

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 20 ноябрь, № 227 (5901) Чоршанба


# СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД

### таълим-тарбиясида замонавий спорт иншоотлари ва ускуналари муҳим аҳамият касб этади





ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

*Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазма марказида ихтисослаштирилган “SportWorld Uzbekistan — 2013” спорт ускуналари, инвентарлари ва кийимлари халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.*



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 30 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий компаниялар, фирма ҳамда корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, эртамиз эгаларини ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб вояга етказиш, улар онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам, мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифаларни изчил рўёбга чиқаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мана бу рақамларга бир эътибор беринг: сўнгги ўн йил давомида Жамғарма маблағлари ҳисобидан юртимизда 1203 та болалар спорти объекти, жумладан, 269 та янги спорт комплекси, 934 та спорт зали барпо этилди. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларида қурилган. Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 284 та спорт иншооти, 96 та сузиш ҳавзаси реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Биргина жорий йилда 112 та болалар спорти иншооти қурилди ва реконструкция қилинди.

Ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорти объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ секцияларда 1 миллион 800 минг нафардан зиёд болалар спорт билан шуғулланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## КОНСТИТУЦИЯ — менинг тақдиримда




*“Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади”.*

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасидан).

# Фидокорона меҳнат маҳсули

Юртимизда хусусий мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиб, соҳа ривожи учун зарур имкониятлар, ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароитлар яратиб берилаётир. Айниқса, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиши “суяги далада қотган” тажрибали деҳқонларимизнинг кўнглидаги гап бўлди. Фермерликнинг “этагидан тутган” ҳар бир боғбону деҳқонларимиз ўз ери, даласига эгалик қилмоқда. Энди деҳқон кимнингдир буйруғини кутмасдан, ҳудудининг иқлими, шароити, тупроғининг мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб, ерига экин экади, ишлов бермоқда. Етиштирилган ҳосилни ўзи йиғиб олаяпти. Ваҳолонки, бир замонлар эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи деҳқонларимизнинг ушалмас орзуси эди. Бугун эса бизнинг мулкдор сифатида ҳуқуқларимиз, яъни мулкка ўз хоҳишимизга кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш Конституциямизда қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

Айни пайтда қишлоқ хўжалигида Президентимиз раҳнамолигида ислоҳотлар изчил олиб борилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Натижада ғалла, пахта мустақиллигига эришилиб, фермерларимиз саъй-ҳаракатлари билан етиштирилаётган маҳсулотлар нафақат юртимизда, шу билан бирга, хорижда ҳам муносиб баҳоланмоқда. Экин майдонларини оптималлаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги агротехника тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда тупроқ шароитига мос навларнинг экилиши баракали хирмонга асос бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб Марғилон шаҳрида “Инсон манфаатлари — олий қадрият” мавзуида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиз фаровонлиги, юртимиз келажагини таъминлашдаги ўрни хусусида сўз юритилди.

**● Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда семинар ўтказди. Соҳа мутахассислари, талаба ёшлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда давлатимиз миқёсида телекоммуникация соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, замонавий технологиялар асосида амалга оширилаётган модернизация ишлари юксак самаралар бераётгани таъкидланди.**

● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали уюштирилди. Тадбир доирасида “Сиз севган қаҳрамонлар”, “Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти” мавзуларида учрашувлар, иншолар танлови, “Ватаним тараққиётига — менинг ҳиссам” шиори остида ёш тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси, “Билимдонлар майдони” интеллектуал ўйинлари ҳамда бадиий гимнастика бўйича “Камолот ғунчалари” мусобақаси ташкил этилди.

**● “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловининг олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ўртасидаги республика босқичи якунланди. Унда Тошкент давлат юридик университетининг Давлат ҳуқуқи назарияси ва тарихи кафедраси доценти Феруза Муҳиддинова биринчи ўринга лойиқ топилди.**

● Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган замонавий қурилиш технологиялари кўргазмасида вилоятдаги “JV MAN Auto-Uzbekistan”, “СамАвто” ва бошқа йирик корхоналар ишлаб чиқараётган ҳамда қурилиш ишларида кенг фойдаланиладиган автотранспортлар, лизинг компаниялари томонидан тақдим этилаётган техника воситалари намойиш қилинди. Якунда қурилиш техникалари хариди бўйича шартномалар имзоланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ МИЛЛИЙ ФОРУМИ

*Кеча пойтахтимизда “Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситалари роли ва ўрнини ошириш” мавзуида Ўзбекистон матбуоти III Миллий форуми ўтказилди.*

### КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Анжуман Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда бир қатор халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари раҳбарлари, етакчи марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари ҳамда медиатузилмалар муҳаррирлари, экспертлар, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Маълумки, мазкур форум ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги босқичини белгилаб берган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида ўтказилмоқда. Унинг асосий вазифаси мамлакатимиз ахборот соҳасини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У. Муҳаммадиев ва бошқалар таъкидлаганидек, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда ахборот соҳасини демократик ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ва изчил комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

### ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади

ЖАРАЁН

Бугун пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Экологик ҳаракат ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг иккинчи Миллий форуми очилади.

Форум “Мамлакат тараққиётига дахлдорлик ва масъуллик ҳисси билан” шиори остида ўтказилади. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, беқиёс ўзгаришлардаги иштирокида ана шу ғоя мужассам. Яъни бу ерда ягона эзгу мақсадга бирлашган, ушбу тадбирга ҳар жиҳатдан тайёр ва ишлашга иштиёқи баланд бўлганлар йиғилишади.

Айтиш керакки, Форумдан олдин Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида унинг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтлари ривожини таъминлашга, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат қурилишида уларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчилик тизими яратилди.

(Давоми 2-бетда).

# ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ИЛМИЙ-ТЕХНИК САЛОҲИЯТ

### мамлакатимиз қуёш энергетикаси ривожида алоҳида ўрин тутади




*Бугун пойтахтимизда Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши ўз ишини бошлайди. “Қуёш энергияси технологиялари тенденциялари ва истиқболлари” мавзуига бағишланган бу галги Тошкент анжуманида 30 дан ортиқ давлатнинг қуёш энергияси соҳаси мутасаддилари, технологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар ходимлари, халқаро молия институтлари ва илмий тадқиқот марказлари вакиллари, чет эллик экспертлар иштирок этади.*

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида энергия билан таъминланганлик даражаси муҳим ўрин тутади. Зеро, кундалик ҳаётимизни, иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис кейинги йилларда жаҳон бўйича энергияга ортиб бораётган эҳтиёжни таъминлашда унинг қайта тикланувчи манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки нефть, кўмир ва табиий газ каби анъанавий энергия манбаларининг тинимсиз қазиб олиниши ҳисобига унинг захираси йилдан-йилга камайиб бориши баробарида, электр энергияси ишлаб чиқариш харажати ҳам муттасил ортмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонимизда ҳам муқобил энергияни ривожлантириш устувор аҳамият касб этаяпти. Пировардида соҳада тамомила янги йўналиш очилиб, экологик муаммоларнинг олдини олиш, ёқилғи-энергетика захираларини тежаш ва уларни келажак авлодга етказиш имконияти туғилаётгани ғоятда аҳамиятлидир.

Аслида, бизнинг бахтимиз — серқуёш Ўзбекистонда туғилганимиз. Юртимизда йилнинг қарийб 300 куни қуёшли бўлгани учун ундан ички эҳтиёжимиздан бир неча баробар ортиқ энергия олиш имконияти мавжуд. Бунинг учун шундай қурилмалар яратилганки, унинг ёрдамида қуёш нури тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантирилади. Кремний, германий, галлий арсениди, кадмий-теллур, галлий фосфиди каби яримўтказгич материаллар шундай технологиялардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда қўлланилаётган фотоэлектрик станцияларнинг 90 фоиздан ортиғи кремний асосида яратилган бўлиб, ундан 25-30 йил, ҳатто 35-40 йил давомида фойдаланиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ МИЛЛИЙ ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу эса жамиятда масс-медиа ролини кучайтириш, унинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилаяпти. Айни чоғда ахборот соҳаси ва янги ахборот технологияларини жадал ривожлантириш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари, журналист кадрларни тайёрлаш, медиа бозорни равнақ топтириб, унда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Жумладан, сўнгги ўн йилликда бу борада 10 дан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Ахборот соҳаси эркин фаолият юритиши, мазкур соҳада фуқаролик институтлари ривожланишини таъминловчи кенг қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Бунда Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш Парламент комиссияси, Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси бевосита иштирок этмоқда. Ушбу ташкилотлар томонидан фуқаролик институтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун 2008 — 2012 йиллар давомида 27 млрд. сўмдан зиёд маблағлар ажратилди.

Ўзбекистонда вазирлик ва идоралар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада чуқурлаштириш, интернет тармоғида ахборот ресурсларни кўпайтиришни таъминлаш, электрон ҳужжат алмашувини йўлга қўйиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида давлат органлари веб-сайтлари очилди. "Uz" домен зонасида веб-сайтлар сони 2002 йилдаги 587 тадан бугунги кунда 17 мингтага етди. Мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар эса интернет хизматларини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси маромига етказилаётир. Шу мақсадда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида синов ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент олиб борилмоқда.

— Мазкур жараёнлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, қонун лойиҳаси меъёрларини ҳаётнинг реал талабларига мувофиқлаштиришга йўналтирилгандир, — дейди парламент қуйи палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А. Жўрабоев. — Бу эса давлат органларининг энг муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш борасидаги фаолияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари роли ва аҳамиятини кучайтириш учун янги имкониятларни яратмоқда.

Форумда ҳуқуқий экспериментнинг бориши, амалга оширилаётган тадбирлар ва эришилган натижалар ҳақида сўз юритилди. Айтиб ўтилганидек, синов жараёнида ахборотдан фойдаланувчиларнинг оғзаки ва ёзма сўровлари миқдор жиҳатидан анчага кўпайган. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ишончи кучайган. Журналистлар, ННТ вакиллари давлат органлари очиқ ҳайъат йиғилишларида фаол қатнашмоқда.

Анжуманда демократик янгиланишлар шароитида журналистлар томонидан ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига риоя этилиши долзарб вазифа ҳисобланиши, бу уларнинг фаолияти хавфсизлиги ва ОАВ вакиллари томонидан жамиятдаги ўзининг профессионал мажбуриятларини бажаришида кўмаклашишига алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Одоб-ахлоқ меъёрлари журналистлар ҳаракатларини муайян касбий меъёрларга мувофиқ тартибга солади ва бошқа тарафнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари камситилишига йўл қўймайди, — дейди Эстония жамоат эшиттирув компанияси омбудсмани Тармо Таммерк. — Мамлакатингизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигига оид қонун лойиҳаси синови бўйича ўтаётган ҳуқуқий эксперимент бу борада аҳамиятли ўрин тутиши шубҳасиз. Чунки шу асосда нафақат бевосита ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар, балки журналистлар касбий фаолияти соҳасини ўзини ўзи тартибга солиш тамойиллари — касбий этика кодекслари билан мувофиқлаштириладиган муносабатлар ҳам муфассал чиғириқдан ўтади.

Тадбирда ОАВни либераллаштиришнинг ҳозирги босқичида журналистларнинг касбий этикаси кодексини янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи билдирилиб, унда босма, теле, радио ва интернет журналистикасининг ўзига хос жиҳатлари қамраб олиниши зарурлигига урғу берилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида берилаётган материалларнинг касбий, ғоявий, бадиий даражасини ошириш, уларни аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, ҳуқуқий онгини юксалтириш, баркамол, ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикрловчи, ўз ҳаётий позициясига эга ёшларни шакллантиришдаги ролини ошириш масалалари диққат-эътиборда бўлди. Форумда хорижлик ҳамда маҳаллий мутахассислар томонидан соҳанинг долзарб мавзуларига оид маърузалар қилинди.

Ўзбекистон матбуоти III Миллий форум якунида "Эътироф" республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

## ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада ННТнинг ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ечиш, давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнидаги роли ошиб бормоқда. ННТнинг сони йилдан-йилга ўсиб бораётгани эътиборга молик. Бугунги кунда улар жойларда қонунчилик ижроси устидан мониторинг ўтказиш, ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурларини рўёбга чиқариш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизаси жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши фуқаролик институтларини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Шунингдек, уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш ва фаоллигини оширишга улкан асос бўлди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

— Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бундан саккиз йил олдин ташкил этилган эди, — дейди ЎзННТМА Кенгаши раиси А. Каримов. — Барча ННТни бир оилага бириктирган ассоциация бугун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаяпти. Хусусан, ННТ манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини мувофиқлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмини ривожлантириш ҳамда уларнинг давлат дастурлари ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни татбиқ этишларига кўмаклашиш вазифалари юклатилган. Шу билан бирга, Ассоциация томонидан аёллар ва ёшлар, экология, иқтисодиёт, таълим, социал-гуманитар, ҳуқуқий йўналишлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат дастурлари ва миллий режаларни амалга оширишдаги иштироки ҳам таъминланмоқда. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг ўтказилиши мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида жамоат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий шериклик ва жамоат назорати бўйича тажрибаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш, улар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, келгусида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг биринчи миллий форуми 2012 йилда ўтказилган эди. Бу улардаги улкан салоҳиятнинг яққол тасдиғи бўлди. Мазкур тадбир Ўзбекистонда шакллантирилган фуқаролик жамияти институтлари давлат қурилишида ўзини тенг ҳуқуқли шерик сифатида намоён этаётганининг яна бир ифодасидир. Мамлакатда фаолият олиб бораётган олти мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари одамларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, жорий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, тижорат тузилмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорликда жамият учун муҳим бўлган вазифаларни ҳал қилмоқда.

Ҳудудий босқичларда форум иштирокчилари учун давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг самарадорлигини ошириш йўллари аниқланмоқда. Мазкур форумларнинг янгилиги шунда бўлдики, улар доирасида жамоатчилик эшитувлари ташкил этилди. ННТ фаоллари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, таълим, ижтимоий ҳимоя каби социал аҳамиятга эга соҳалардаги давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтлари билан манфаатли ҳамкорлик ҳақидаги ахборотларини тингладилар. Эшитув иштирокчилари фикрига кўра, бундай учрашувлар давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг янада очиқ бўлишига, мансабдор шахслар масъулиятини оширишга ҳамда ижтимоий шериклик самарадорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Жойларда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган лойиҳалар ҳақида турли ахборотлар тақдим этилган кўргазмалар ташкил қилинди. Уларнинг кўп сонли ташриф буюрувчилари нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига катта қизиқиш билдиришди. ННТ ва давлат органлари ўртасида ижтимоий шериклик шаклларини янада кенгайтириш масаласида амалий мулоқот ўтказилди.

— Наманган вилоятида бўлиб ўтган форум ННТнинг жамият ҳаётидаги мавқеи изчил юксалиб бораётганини кўрсатмоқда, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси раҳбари З. Худойбердиев. — Мисол учун, "Обод турмуш йили" Давлат дастурини амалга оширишда Наманган вилоятидаги 19 та нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бевосита иштирок этмоқда. Форум аҳоли билан бевосита иш олиб бораётган, уларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатаётган жамоат ташкилотлари салоҳиятини оширишда катта кўмак бўлди. Биз жойларда ижтимоий шериклик асосларини ташкил қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро фойдали ҳамкорлигини йўлга қўйишдан манфаатдормиз. Мониторинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, амалиётда ижтимоий шериклик принципларининг йўлга қўйилиши ўз натижаларини бермоқда. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқароларнинг иштироки сезиларли даражада фаоллашди, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти шаклланиб, демократик ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси мустаҳкамланмоқда.

— Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Навоий вилоятидаги "Имконият" нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари К. Бобоқулова. — Мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими амал қилмоқда. Айнан шу қулайликлар натижасида бугун биз аҳолининг турмуш сифатини ошириш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш бўйича дастур ижросига баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари форумида биз фаолият доирасидаги тегишли янгиликлар ҳақидаги ахборотларга эга бўлдик, ваколатли мутахассислардан фаолиятимизнинг ҳуқуқий асослари ҳақида маслаҳатлар олдик, давлат органлари ва тадбиркорлар қўллаб-қувватлашига эришдик. Мисол учун, биз вилоят газетаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Қизилтепа ва Кармана туманлари хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда битим имзоладик. Унга биноан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи, салбий иллатларга қарши курашиш, семинарлар ўтказиш бўйича ишларни амалга оширамиз. Коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида уларга бизнес-режа тузишни ўргатамиз. Иштирокчилар орасидан кўнгиллиларни танлаб оламиз, улар эса бизнинг фаолиятимизни истиқболда давом эттиришади.

— Давлат ҳокимияти вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда жамоат ташкилотлари фаолиятига оид долзарб масалаларни, хусусан, амалий мулоқотимизни давом эттириш учун "майдон" яратиш масаласини муҳокама қилдик, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг Андижон вилоятидаги ахборот-ресурс маркази раҳбари Х. Мирзараҳимова. — Давлат органлари ва тадбиркорлар билан имзоланган 30 та меморандум ва битимлар йўлга қўйилган ижтимоий шериклик алоқаларини мустаҳкамлайди, вилоят учун долзарб бўлган муаммоларни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

Форумнинг ҳудудий босқичларида ташкил этилган секциялар ишларида нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб вазифаларини ҳал қилишдаги иштирокини кучайтиришга қаратилган дастур лойиҳаси учун берилган таклифлар такомиллаштирилди. Мазкур дастур лойиҳасини форумнинг республика босқичида қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Шуни қайд этиш керакки, ҳудудларнинг юзага келган социал-иқтисодий шароитида муайян нодавлат нотижорат ташкилоти эҳтиёжларини, аҳолининг талабларини ҳисобга олиш дастур самарадорлиги ва манзиллилигини таъминлайди.

Форумнинг ҳудудий босқичи иштирокчилари, шунингдек, жорий йилда якунланаётган лойиҳаларни таҳлил қилишди, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олдилар. Ижтимоий шерикликни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари рағбатлантирилди.

Ҳудудий форум қатнашчилари ижтимоий шериклик мамлакат барқарор ва изчил тараққий этишининг муҳим омили эканлигини яна бир бор эътироф этишди. Унда иштирок этган давлат тузилмалари вакиллари аҳолининг аниқ эҳтиёжларини аниқлаш, ўз навбатида, бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари кўмагини олиш ҳамда кун тартибидаги долзарб муаммоларни биргаликда ечиш учун тегишли битимлар имзолаш имкониятига эга бўлишди.

Олдинда форумнинг республика босқичи турибди. У, аввало, янги учрашувлар, режалар, лойиҳалар, алоқалар, тажриба алмашиш, анжуман, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, танловларни қамраб олади.

**Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

# СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД

## таълим-тарбиясида замонавий спорт иншоотлари ва ускуналари муҳим аҳамият касб этади




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишларида янгитдан қурилаётган спорт мажмуаларини, асосан, маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилган инвентарлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини доимо таъкидлаб келадилар. Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, ушбу йўналишда ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Хусусан, бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани ўтган даврда бу борада жиддий қадамлар қўйилганидан далолат беради. Мазкур хайрли ишга "Стеклопластик", "Машхим", "Хўжаобод" масъулияти чекланган жамиятлари, "Ўз-Тонг Хонг Ко", "Ўз-Донг Янг Ко", "Ўз-Донг Жу Пиэнт Ко" қўшма корхоналари, шунингдек, бир қатор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муносиб ҳисса қўшмоқда. "Ўзэкспомарказ" павильонида ана шу корхоналар маҳсулотларига кенг ўрин ажратилган.

Стендлардан ўрин олган спорт кийимлари, заллар ва очиқ майдонлар учун мўлжалланган пол қопламалари, тренажёр ускуналари, футбол, волейбол, гандбол, теннис тўплари, ракеткалар, бокс анжомлари, дарвоза тўрлари, татами, батут ва яна ўнлаб турдаги спорт ускуналари ҳамда жиҳозлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Ушбу маҳсулотларнинг барчаси эндиликда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан ички ва ташқи бозорга етказиб берилаётгани жудаям қувонарли, — дейди "Ўз-Тонг Хонг Ко" қўшма корхонасининг халқ истеъмоли моллари бўлими бошлиғи Равшанбек Каримов. — Биз 2009 йилдан эътиборан асосий фаолият йўналишимиз қаторида спорт жиҳозларини ҳам ишлаб чиқаришга киришдик. Дастлаб уч турдаги маҳсулот — баскетбол, футбол ва волейбол тўпларини тайёрлаган бўлсак, бугунги кунга келиб, 18 турдаги спорт жиҳозларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Хусусан, теннис, стол тенниси, бадминтон ракеткалари, ватерпол, гандбол, теннис тўплари, батут ва шу каби яна кўплаб маҳсулотларимизга талаб тобора ортиб бормоқда. Ана шу жиҳоз ва инвентарларимизнинг нархи четдан келтириладиганларига нисбатан икки-уч баравар арзон, сифат жиҳатидан эса бемалол рақобатлаша олади. Янги ҳамкорлар топиш, ўзаро тажриба алмашишда мана бундай кўргазмаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Халқаро кўргазма 21 ноябргача давом этади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

# Фидокорона меҳнат маҳсули

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мисол учун, 1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда республикамиз бўйича жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ҳар гектар ердан ўртача 17 центнердан ҳосил олинган эди. Шу боис аҳоли эҳтиёжи учун керак бўладиган асосий буғдой хориждан валюта ҳисобига келтириларди. Ўтган йилларда ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошиб, ғалла етиштириш ҳажми етти баробар кўпайди. Бугунги кунда эса ҳосилдорлик ўртача 55 центнерни ташкил этмоқда. Айрим фермер хўжаликларида гектаридан 90-100 центнердан буғдой йиғиб олинаётгани соҳага қаратилаётган кенг эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидан далолат бериб турибди.

Албатта, бундай юксалишлар пахтачиликда ҳам кузатилаётир. Кейинги беш йилликда ҳосилдорлик ўртача 2,4 центнерга ошгани, жорий йилда пахта ҳосилдорлиги ўртача 26,4 центнерни ташкил этганининг ўзиёқ деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати маҳсулидан дарак бериб турибди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агротехника тадбирлари жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғитларни жойларга етказиб бериш борасидаги саъй-ҳаракатлар биз, фермерларни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида эътироф этилганидек, ўзбек пахтасининг жаҳонда нуфузи ошиб, талаб ортаётганидан ҳам билиш мумкинки, меҳнатимиз қадр топаяпти. Соҳанинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши эса бизни янги марралар сари чорлаяпти.

Қисқача айтганда, мустақиллик бизга эркин меҳнат қилиш, мулкчилик шаклини вужудга келтириш ва уни оқилона бошқариш имконини берди. Бу эса обод ва фаровон турмуш барпо этишга қаратилган энг эзгу мақсадимиз рўёби учун хизмат қилмоқда.

**Элибой ТАНИЕВ,**
**Пастдарғом туманидаги «Умсин момо» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

# ЭЪТИБОР, ИМКОНИЯТ, ИЛМИЙ-ТЕХНИК САЛОҲИЯТ

## мамлакатимиз қуёш энергетикаси ривожида алоҳида ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишда жаҳон миқёсида АҚШ, Германия, Италия, Испания, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Бразилия каби давлатлар етакчилик қилмоқда.

Европа фотовольтаик саноати ассоциацияси (EPIA) маълумотига қараганда, 2012 йилда дунё бўйича умумий қуввати 100 ГВтга тенг бўлган фотоэлектрик панеллар ўрнатилган бўлса, унинг 80 ГВти Европа давлатларига тўғри келди. Бунинг натижасида, масалан, Германияда фотоэлектрик станциядан олинган электр энергияси нархини 0.07 АҚШ долларига камайтиришга эришилди. Бунда 1 Вт ўрнатилган қувват нархи 0.9 АҚШ долларига тенг бўлдики, пировардида унинг пасайиш тенденцияси ҳам кузатилди. Шу каби муқобил энергиянинг афзалликлари туфайли жорий йилда ундан фойдаланиш суръати янада оширилди. 2013 йилнинг ўн ойида 30 ГВтли қуёш қурилмалари ўрнатилгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда бу соҳа Осиё мамлакатларида ҳам жадал тараққий этиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтининг ташкил қилингани мазкур жабҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш учун юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш, қуёш энергияси потенциалини илғор ва самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини амалиётга татбиқ қилиш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш, қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш институтимизнинг асосий вазифаси ва йўналишлари ҳисобланади.

Институтимиз олдида турган яна бир муҳим вазифа, бу — фан ва саноат корхоналари ўртасида кўприк вазифасини ўташдир. Бошқача айтганда, Халқаро қуёш энергияси институти республикамиз олимлари томонидан яратилган инновацион ишланмаларни ёки чет элнинг илғор ишланмаларини технологиялар трансфери орқали арзонлаштирилган, бозорбоп саноат намунаси даражасига олиб чиқиб, унинг тўлиқ конструкциявий технологик ҳужжатларини тайёрлашда фаоллик кўрсатади. Шу маънода, у "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Даврхитектқурилиш" қўмитаси ва иқтисодиётимизнинг бошқа соҳалари учун технологик майдонча вазифасини ҳам бажаради. Бунда институтимизнинг фаолияти манфаатдор соҳалар билан биргаликда таъмирталаб объектларни аниқлаб, қуёш технологияларини қўллаш, уларнинг самарадорлигини ошириш, мазкур жараёнда зарур бўлган илмий-амалий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳамда ишланмаларини идентификациялаш, шунингдек, уларни лаборатория шароитида ишлаб чиқиб, сўнгра янада мукаммаллаштиришга йўналтирилади.

Ҳозирги кунда тегишли ҳужжатлар асосида олимларимиз томонидан етакчи соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда республикамизда қуёш энергетикасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг исботи сифатида муқобил энергия манбаларини ривожлантириш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилгани, қуёш энергияси йўл харитаси лойиҳаси тайёрланиб, мутасадди ташкилотларга муҳокама учун тақдим қилингани, 100 МВтли Самарқанд қуёш фотоэлектрик станциясининг техник-иқтисодий асослаш лойиҳаси тайёрланаётганини айтиш кифоя.

Мухтасар айтганда, Халқаро қуёш энергияси институти жаҳонда "қуёш индустрияси" дея ном олган саноат тармоғини юртимизда янада ривожлантириш, муқобил энергия ҳосил қилувчи қурилмаларни ўзимизда тизимли ва тўлиқ ишлаб чиқариш йўлида хизмат қиладиган илмий-техникавий жамоадир. Юртимизда соҳага қаратилаётган беқиёс эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар, энг асосийси, ноанъанавий энергия потенциалининг ниҳоятда юқори эканлиги кўзлаган мақсад-муддаомизга эришишимизда муҳим омил бўлиши муқаррардир.

**Нураддин МАТЧАНОВ,**
**Халқаро қуёш энергияси институти директорининг ўринбосари.**

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

*Мамлакатимиздаги энг етакчи тижорат банклари хусусида гап кетгудек бўлса, улар қаторида, албатта, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг номи алоҳида тилга олинади. Хўш, юртимиз молия бозорида мустаҳкам ўрнига эга ушбу банкнинг юксак салоҳиятли ва ишончли ҳамкор эканлиги нималарда намоён бўлади? Даромаду умумий активлар ҳажми, мижозлар сонию Низом жамғармаси кўрсаткичлари йилдан-йилга ошиб бораётганлигининг сири нимада? "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг кетма-кет тўрт йилдан буён халқаро эътирофларга сазовор бўлаётганлигининг сабаби-чи?*

# Бунёдкорлик, яратувчилик ва фаровонлик

## каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолияти мезонига айланган

— Бунга эришиш учун молиявий муассаса мижозларга яқин ҳамкор сифатида қараши, қўйилган омонатларнинг ишончли сақланишини таъминлаб, ҳар бир киши ундан чекловларсиз, ихтиёрий равишда фойдалана олишига шароит яратиши лозим, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" бошқаруви раиси ўринбосари Саидкамол Ходжаев. — Қолаверса, бугунги молия бозоридаги кучли рақобат муҳитида барқарор фаолият кўрсатиш учун мижозларга ҳар доимгидан-да сифатли, тезкор, замонавий интерфаол усулларда банк хизмати кўрсатиш, уларнинг муаммолари билан яшаш, дастлабки мурожаатидаёқ барча зарур шароитларни муҳайё қилиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятига эга бўлиш тақозо этилади.

Дарҳақиқат, шундай. Банк ходимларининг ана шундай муносабатидан кўнгли тўлган, ишлари муаммосиз, вақтида битган мижозларнинг ўз мамнунлигини бошқаларга етказиши, очиғи, банк учун жонли реклама вазифасини ўтамоқда. Зеро, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили ташаббускор ва янгиликка интилувчи аҳил жамоанинг доимий шиорига айланган.

Маълумки, банкнинг таркибий-ташкилий тузилмаси қанчалик кенг ривожланган бўлса, бу, ўз навбатида, унинг актив ва даромадининг янада ортишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу маънода, бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг юртимиздаги 44 та филиалида қарийб бир миллиондан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга самарали хизмат кўрсатилаётгани эътиборга лойиқ. Бундан ташқари, 62 та минибанки, 68 та жамғарма кассаси, 166 та тўловларни қабул қилиш ва 105 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси ҳам аҳоли ва мижозларнинг доимий ҳамкорига айланган.

Мазкур банк фаолияти ҳақида сўз юритганда, унинг мавқеи ва нуфузи халқаро доирада ҳам тобора ошиб бораётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Чунки тўрт йилдирки, жаҳоннинг икки энг нуфузли — "Fitch Ratings" ҳамда "Standard & Poor`s" халқаро рейтинг агентликлари "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини муносиб баҳолаб, уни истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этиб келмоқда. Ўтган йилда ҳам ушбу молия муассасаси Банклар ассоциацияси қошидаги "Ахбор-Рейтинг" банклараро рейтинг компанияси томонидан берилган Ўзбекистон банклари ичидаги энг юқори баҳо — "UZA+" рейтингини сақлаб қолди.

Бинобарин, ҳозир жаҳондаги мураккаб шароитда халқаро миқёсда бундай юқори баҳога лойиқ кўрилишнинг ўзи бўлмайди. Бу, энг аввало, мамлакатимиз Президентининг банк тизимига қаратаётган алоҳида эътибори, уни янада ривожлантириш бўйича билдирган ғоя ҳамда ташаббуслари натижасидир.

### Инвестициянинг ҳаётбахш кучи

"Ўзсаноатқурилишбанк" бугунги кунда хўжалик субъектларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Уларни модернизациялаш, шу орқали иқтисодиётни юксалтириш эса аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг иш ҳақи ҳамда даромадларини ошириш, шаҳар ва туманлардаги энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётир.

Айниқса, мамлакатимиздаги кўплаб тижорат банклари қатори тўланмай қолган қарзлари туфайли балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти ҳам самарали бўлмоқда. Банк Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банкрот корхоналар негизида янги корхоналарни ташкил қилиш, соғломлаштириш, ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизациялаш, керак бўлса, йўналишини тубдан ўзгартириш каби вазифаларни адо этиб келаётир. Бошқача айтганда, банк мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жойлашган, банкротликка учраган 15 корхонага "реаниматорлик" қилмоқда.

Табиий савол туғилади: ишлаб чиқариш жараёни тижорат банклари учун анъанавий фаолият тури бўлмаса, бу юмуш билан унинг бевосита шуғулланадиган таркибий бўлинмалари, муҳандис, технолог, менежер каби ишлаб чиқариш фаолиятини бевосита назорат қиладиган ва ташкил этадиган мутахассислари йўқ бўлса, банклар ушбу вазифани қандай қилиб эплаши мумкин?

— "Қаловини топса, қор ҳам ёнади", дейишади. Шундан келиб чиқиб, жамоамиз ҳар бир лойиҳа хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, тегишли мутахассисларни ишга жалб этмоқда, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" бошқарма бошлиғи Жаҳонгир Усмонов. — Бошқарувчилар эса танлов асосида тайинланмоқда. Бундан ташқари, банк таркибий тузилмасида махсус "Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармаси" ташкил этилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, янги ишлаб чиқариш корхоналари активларини сифатли бошқариш мақсадида "ПСБ Индустриал Инвестментс" бошқарув компанияси тузилди. Шу боис бизнинг молиявий муассасамизда, умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган бу тажриба чет элликларни ҳам тобора қизиқтирмоқда.

Қолаверса, "Ўзсаноатқурилишбанк" ўз стратегик ривожланиш йўналишига мувофиқ, асосан, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи йирик саноат мажмуига тегишли корхоналарни балансига олмоқда. Бундан мақсад лойиҳа бўйича улар банкрот корхоналарни импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва экспорт қиладиган, хизмат кўрсатадиган корхоналарга айлантиришдир.

Шу маънода, бу корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ички ва ташқи бозорда рақобатдошлигини кучайтириш учун уларнинг ҳар бирида қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Уларнинг ижроси, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юкдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича қарздорликдан қутулиш, банкрот корхоналар негизида янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда. Шу билан бирга, хўжалик субъектларида иқтисодий ўсишни таъминлашда, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини юксалтиришда бунинг муҳим ўрин тутаётгани аҳамиятлидир.



"Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, техник ва технологик янгилаш, айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида 56 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди. Тасаруфга олинган корхоналарнинг 9 тасида ишлаб чиқариш фаолияти қайта тикланди, 6 таси янги инвесторга сотилган бўлса, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Пировардида корхоналар негизида 1500 га яқин иш ўрни ташкил этилди, **90** миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, салкам 21 миллион АҚШ долларилик товар экспорт қилинди.

### Янги корхоналар, янги имкониятлар

Қорақалпоғистон Республикасидаги собиқ "Хўжайли текстиль" очиқ акциядорлик жамиятини олиб кўрайлик. У банкрот корхоналар сирасига кирар, бундан икки йил олдин иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича республика комиссиясининг қарорига асосан, "Ўзсаноатқурилишбанк" балансига қабул қилинганди. Шу тариқа банкрот корхона негизида йилига 5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, калава ип ишлаб чиқарадиган "Элит старс текстиль" МЧЖ ташкил этилди.

— Очиғи, ўшанда корхонанинг қайта оёққа туришига ишонмаган эдим, — дейди биз билан суҳбатда "Элит старс текстиль" МЧЖ раҳбари Йўлдош Матниёзов. — Эскирган дастгоҳлар, ночор аҳволдаги бино гўё энди ҳеч кимга керак эмасдек туюларди. Корхонанинг замонавий фабрика сифатида экспортга маҳсулот чиқаришига ҳеч кимда умид йўқ эди.

Ҳақиқатан ҳам, изланганга имкон топиларкан. Корхонани тиклаш ва унинг барқарор ишлашини таъминлаш учун бизнес-режа, самарали менежментни ташкил этиш ҳамда маркетинг стратегияси ишлаб чиқилди. Уни модернизация қилиш ва айланма маблағларни шакллантириш учун етарли миқдорда инвестиция киритилди. Корхона Швейцария, Буюк Британия ва АҚШнинг энг замонавий технологиялари билан жиҳозланди. Белгиланган ҳар бир иш ва молиявий оқимлар назорат қилиб борилди. Кўп ўтмай, булар ўз самарасини берди. Қисқа муддат ичида 13 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шунинг 4 миллион АҚШ долларидан ортиқ қисмини экспорт қилишга ҳам эришилди. 200 нафар иш ўрни яратилди.



Табиийки, ҳар бир тижорат банки учун банкрот ҳолатидаги корхоналарни қабул қилиш осон иш эмас. Негаки, катта миқдордаги дебиторлик ва кредиторлик, қолаверса, иш ҳақидан бўлган қарзларни тўлаш кўпчиликни ўйлантириб қўяди. Устига устак, янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўз-ўзидан амалга ошмаслиги ҳам барчага бирдек аён. Бунинг учун банк етарли даражада капиталга эга бўлиши лозим. "Ўзсаноатқурилишбанк" — мамлакатимизнинг ана шундай молиявий жиҳатдан барқарор, йирик инвестицион марказларидан бири. Мазкур банк киритаётган инвестициялар унинг ички манбаларини жалб этиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Бунга яқин-яқин вақтларгача амал-тақал фаолият юритиб, охир-оқибат бутунлай банкротликка учраган Хоразм вилоятидаги собиқ "Туямўйинғишт" шўъба корхонаси ишчи-хизматлари ҳам қатъий ишонч ҳосил қилишган. Сабаби, қарздорлик ботқоғига ботган бу корхона банк кўмаги билан қайта оёққа турғазилди. Банкнинг 2 миллиард 300 миллион сўмга яқин инвестицияси туфайли қайта ташкил этилган "Хоразм брикс" масъулияти чекланган жамиятида йилига 10,8 миллион донадан зиёд пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга эришилди. 70 га яқин иш ўринлари яратилди. Шу вақтгача 2 миллиард 700 миллион сўмга яқин миқдордаги маҳсулот тайёрланди. Қисқаси, бир вақтлар абгор аҳволда қолган, бутунлай хароб бўлган корхона конвейерларидан сифатли ғишт чиқа бошлади. Корхона фаолияти тўлиқ йўлга қўйилгач, у "Канликўл бинокор қурилиш" корхонасига сотилди.

Банкнинг банкрот корхоналарни тиклашга доир яна бир лойиҳаси Самарқанд вилоятидаги "Ўз Ботлерс Групп" МЧЖ базасида амалга оширилди. Янги ташкил этилган "Самарқанд Аква Лайн" МЧЖ банкнинг 907,2 миллион сўм миқдоридаги инвестицияси эвазига замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Бу эса йилига 4,15 минг тонна сифатли ичимлик суви, 1,2 минг тонна табиий шарбат, мева ва сабзавотлардан консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятини яратди. 80 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.

Мухтасар айтганда, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молиявий мадади билан қайта фаолият бошлаган корхоналар иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу боис банк жамоаси бу борадаги тадбирларни янада кенгайтириш чораларини кўрмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар эса тез орада ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Ф. САНАЕВ.**

Реклама ўрнида

Эълонлар

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 6 декабрь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:*

**I.** Бешариқ тумани СИБ томонидан ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 2012 йил 9 ноябрдаги 2006/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Товул» ҚФЙ, «Галча» МФЙ, Галча қишлоғида жойлашган, Нишонова Аълохон Эркиновнага қарашли, умумий майдони 399,91 кв.м., фойдаланиш майдони 140,44 кв.м. бўлган, 0001-0011 литерлардаги ҳовли-жой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 19 000 000 сўм.***

**II.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Эркабоевлар» МЧЖга қарашли бўлган:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4 423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,0 кв.м. бўлган, 0001-0016 литерлардаги керамзит базаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 391 553 797 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Полосон» ҚФЙ, «Ибн Сино» МФЙда жойлашган, умумий майдони 1 894,38 кв.м., фойдаланиш майдони 1 629,45 кв.м. бўлган, 0001-0009, 0009а, 0009б, 0010, 0011, 0012 литерлардаги ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 108 579 858 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 4 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкларга доир ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.**
**Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.**

1920А/105

***Лицензия: № RR-0017.***

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2013 йил 14 октябрдаги 21-1306/3448-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, Маликработ қўрғони, «Сардоба парранда» МЧЖда жойлашган, умумий ер майдони 608773,6 кв.м. бўлган паррандачилик фабрикаси биносининг бир қисми (33 та товуқхона биноси, 11 жўжахона биноси, маъмурий бино, инкубация биноси, колбаса цехи, товуқ тозалаш цехи, тухум омбори, тикув цехи, 5 та омборхона бинолари) қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 499 934 608 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 20 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Манзил: Навоий шаҳри, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиали.**
**Телефон: (8-436) 224-15-61.**
**www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

1917R/1453

***Лицензия: RR-0001.***

## Доимий даромад манбаи

*Қибрай туманидаги "Зиё-нон" хусусий корхонаси жамоаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалиётга жорий этмоқда.*

ИЗЛАНИШ

Хусусан, яқинда бу ерда 76 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган янги цех қуриб битказилди. Натижада корхонанинг йиллик қуввати 88 тоннага, жамоа сафи эса ўн нафарга ошди. Эндиликда корхонада темир ва йод моддаси билан тўйинтирилган ундан нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинаётир.

Шуниси аҳамиятлики, туманда жорий йилнинг ўтган даврида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли қарийб 250 киши ўзининг доимий даромад манбаига эга бўлди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 9 НОЯБРДАН 18 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Трансфер-агент фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритишлар тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2013 йил 7 ноябрдаги 2013-02-сонли буйруғи.*

**2013 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1872-1 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

2. «Қўшимча инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 22 октябрдаги 01/09-26/20-сонли қарори.*

**2013 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-2 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

3. «Ўзбекистон уяли ҳаракатдаги алоқа тармоқлари операторлари томонидан роуминг хизматини ташкил қилиш ва кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 60-мҳ-сонли қарори.*

**2013 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 968-1 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

4. «Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги 27, 103-сонли қарори.*

**2013 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2522 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

5. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари)ни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 30 октябрдаги 01/19-26/22-сонли қарори.*

**2013 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2287-1 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

6. «Товар бозорлари чегараларини аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектни монополист деб тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2013 йил 30 октябрдаги 01/19-26/23, 50-сонли қарори.*

**2013 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1014-1 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

7. «2014 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 16 ноябрдаги 6-мб-сонли қарори.*

**2013 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2523 (2014 йил 1 январдан кучга киради)**

8. «Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга танлов ўтказмасдан давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 22 октябрдаги 01/09-26/21-сонли қарори.*

**2013 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1504-2 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

9. «Биринчи гуруҳга этил спиртини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2013 йил 24 октябрдаги 19-сонли қарори.*

**2013 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2524 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

10. «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидалари. I бўлимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил 8 ноябрдаги 9-сонли буйруғи.*

**2013 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1405-2 (2013 йил 18 ноябрдан кучга кирди).**

11. "Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 5 ноябрдаги 01-02/12-29-сонли қарори.

**2013 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525.**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари)ни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом *(рўйхат рақами 2287, 2011 йил 7 декабрь). Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 14 ноябрдаги 335-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Товар бозорлари чегараларини аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектни монополист деб тан олиш тартиби тўғрисидаги низом *(рўйхат рақами 1014, 2001 йил 9 март). Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 14 ноябрдаги 336-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 16 апрелдаги 19-1207/2157-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани (собиқ Бандихон тумани), Бўстон маҳалласида жойлашган, «Сайхон-Қамишлов» муқобил машина трактор паркига тегишли, умумий майдони 14360,0 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 49 хонадан иборат А литердаги марказий таъмирлаш устахонаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 85 700 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Сариосиё тумани СИБ томонидан ФИБ Сариосиё туманлараро судининг 2013 йил 17 сентябрдаги 1174-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани, «Дашнобод» ҚФЙ, Буйрупушт маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1728,0 кв.м. бўлган, бир қаватли паррандачилик фермаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 56 000 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 8 майдаги 1-50-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, «Минор» ҚФЙ, Минор маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 140,0 кв.м. бўлган, 7 хонадан иборат, бир қаватли, 2009 йилда қурилган тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 85 664 000 сўм.***

**2.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 8 майдаги 1-47-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, Ҳамид Олимжон 1-берк кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 388,0 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 48 650 000 сўм.***

**3.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 8 майдаги 1-35-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 72-уй, 4-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 50,70 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, 1978 йилда қурилган тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 500 000 сўм.***

**4.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 8 майдаги 1-59-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 17-уйда жойлашган, умумий ер майдони 700,0 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, бир қаватли, 1962 йилда қурилган тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 48 245 833 сўм.***

**5.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 26 мартдаги 1-660-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, Н. Боймуродов кўчаси, 43-уйда жойлашган, умумий ер майдони 692,0 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган тураржой қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 13 077 052 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 19 декабрь куни соат 18.00.

**IV.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 февралдаги 19-1307/984-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, Қумқишлоқ қишлоғи марказида жойлашган, «Жайхун» сувдан фойдаланувчилар уюшмасига тегишли, умумий майдони 126,18 кв.м. бўлган, бир қаватли, 9 хонадан иборат, А литердаги маъмурий бинонинг қисми такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 19 656 758 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Қумқўрғон тумани судининг 2012 йил 28 сентябрдаги 1-189-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Нефтчилар маҳалласи, 3-кичик даҳа, 7-уй, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 57,33 кв.м., 1970 йилда қурилган, 2 хонадан иборат, 2-қаватда жойлашган тураржой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 17 265 542 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 5 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.**
**Телефон: (8-376) 221-77-94.**
**www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

1918R/1453

***Лицензия: RR-0001.***

МЕДИАТУР

*Атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳаёт манбаи бўлмиш биохилма-хилликни сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, ушбу масалага муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда.*

## Табиат муҳофазаси:

# Бурч ва масъулият



Мутахассисларнинг фикрича, дунё бўйича йилига олтмиш мингга яқин ўсимлик, етти мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетиш хавфи остида қолмоқда. Гарчи юртимиз заминининг қиру адирлари, кўл ва қумликлари ўзига хос ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламига эга бўлса-да, бу ерда ҳам шундай ҳолат кузатилаётгани ачинарлидир. Гап шундаки, сўнгги ўн йилликлар мобайнида табиатдан фойдаланишнинг кучайиши оқибатида, жумладан, антропоген таъсирида улардан аксариятининг яшаш жойи ҳамда сони қисқарди. Баъзилари эса бутунлай йўқ бўлиб кетди. Шулар инобатга олинган ҳолда, истиқлол йилларида мамлакатимизда табиатни асраш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, қўриқхоналар фаолиятини ривожлантириш бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросини изчил таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар нафақат ўша ҳудудларда табиат мувозанатини тиклашга ёрдам бераяпти, балки аҳолини уни аслича асрашдек эзгу мақсадларга ундаб, жойларда экотуризмни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги "Сайхун" табиат хўжалиги шундай ҳудудлар сирасига киради. Нега деганда, мазкур хўжаликнинг умумий майдони 372 гектардан иборат бўлиб, унинг 132 гектарини кўл, 150 гектарини эса қамишзор ташкил этади. Бу эса қуш ва ҳайвонларни кўпайтириш, айниқса, балиқчиликни ривожлантириш учун кенг имкониятдир.

Яқинда бир гуруҳ журналистлар Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан уюштирилган медиатур давомида ушбу хўжаликда бўлдилар. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти доирасида амалга оширилаётган лойиҳа асосида ўтказилди.

— Чиндан ҳам, бугунги кунда мамлакатимизда табиатни асраб-авайлаш юзасидан рўёбга чиқарилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг, — дейди "Сайхун" табиат хўжалиги директори Ғофур Бегиев. — Сабаби, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 июлдаги махсус қарорига мувофиқ ташкил этилган хўжалигимиз ҳудудида 100 дан зиёд ўсимлик ва 40 дан ортиқ ҳайвон турлари учраса, амалий саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган давр мобайнида уларнинг сони сезиларли даражада кўпайди. Бунинг яна бир омили шуки, Сирдарё дарёси бўйида жойлашган "Сайхун"да сақланиб қолган тўқайзор — тустовуқ, қирғовул, каптар, ғоз, чиябўри, қуён, ёввойи чўчқа сингари жониворларнинг яшаши ва урчиши учун қулай макон. Шу билан бирга, биз бошқа жойлардан келтирилган қушларни ҳам кўпайтириш пайидан бўлаяпмиз. Масалан, бир йил ичида Европа товуғининг сони юздан ошиб кетди.

Бундан ташқари, "Сайхун" экотуризм учун қизиқарли объект саналади. Чунки тўқайзорнинг Сирдарё дарёсига шундоққина туташиб кетганлиги, яқин атрофда автомобиль йўли мавжудлиги сайёҳларни дарё табиатидан баҳраманд этиш, бу ернинг ранг-баранг флора ҳамда фаунаси билан таништириш имконини беради. Кўлда эса балиқ чавоқлари парваришланиб, сув ҳавзаларига қўйиб юборилмоқда, бир қисми, ҳатто, балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига етказиб берилмоқда.

Айни чоғда бу ерда экосайёҳликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бултур Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Сирдарё вилояти бўлинмаси томонидан "Сирдарё қирғоғида экотуризмни ривожлантириш ва аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш" лойиҳаси доирасида сайёҳлик маскани ташкил этилди. Олий Мажлис қошидаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан қайиқ ва катерлар харид қилиниб, меҳмонларнинг дам олишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Шу кунгача эса унга 5 минг нафардан ортиқ сайёҳ ташриф буюргани қувонарлидир, албатта.

Медиатур давомида, шунингдек, журналистларга оммавий ахборот воситалари ходимларининг экология мавзусини ёритишдаги профессионал салоҳиятини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган танлов ҳақида ҳам маълумот берилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Най навоси «Sambhav — 2013» иштирокчиларини мафтун этди

*Яқинда Деҳли шаҳрида жисмоний имконияти чекланган санъаткорларнинг "Sambhav — 2013" халқаро фестивали бўлиб ўтди.*

ЭЪТИРОФ

Мазкур маданий тадбирга 2004 йили Ҳиндистон Ижро санъати ва меъёрий фаолиятни ўргатиш уюшмаси томонидан асос солинган.

Бу йил ушбу анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Хитой, Малайзия, Индонезия, Нигерия, Малта, Таиланд, Вьетнам ва Ўзбекистон сингари дунёнинг йигирма мамлакатидан келган санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ҳиндистоннинг Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маданият ишлари, Савдо ва саноат вазирликлари, ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар доиралар вакиллари, Деҳлида аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, журналистлар ҳамда кўп сонли санъат ихлосмандлари ҳозир бўлдилар.

"Sambhav — 2013" халқаро анжуманининг учинчи куни ўзбек мусиқаси билан очилди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг 3-босқич талабаси Абдулла Абдураззоқов "Шашмақом" туркумидан найда ижро этган "Чоргоҳ" куйи томошабинларнинг қизғин олқишларига сазовор бўлди. Най навосига маҳлиё бўлган тингловчиларнинг сўровларига биноан, ўзбекистонлик санъаткор ўзбек, ҳинд, афғон ва уйғур куйларини моҳирлик билан ижро этди.

— Мен илк маротаба ўзбек мусиқаси билан ошно бўлдим, — деди "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **Нигерия санъаткорларининг бадиий раҳбари Сария Жеремиа хоним**. — Уч кун давом этган фестиваль мобайнида биз кўплаб халқларнинг миллий куйларини тинглаб, рақсларини томоша қилдик. Ўзбекистонлик санъаткор Абдулланинг биргина найда шу қадар ёқимли куйларни ижро этгани барчамизни мафтун этди. Шунда ўзбек мусиқаси ҳақидаги билимларимни оширишим лозим эканлиги кўнглимдан ўтди. Анжуман доирасида ташкил этилган давра суҳбатлари чоғида биз Ўзбекистонда ривожланишида нуқсони бўлган фуқароларга ҳукумат томонидан қаратилаётган эътибор ҳамда уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлдик. Айниқса, бундай ногирон ёшларнинг республика олий ўқув муассасаларида бепул таълим олишлари, касб-ҳунар эгаллаган битирувчилар ўз йўналишлари бўйича иш билан таъминланишлари, шубҳасиз, диққатга моликдир. Чунки бундай юксак эътибор уларнинг жамиятда ёлғизланиб қолмаслигини таъминлаши баробарида, ҳаётга бўлган муҳаббатини ҳам оширади. Бу эса дунёнинг айрим мамлакатлари учун яхши намуна бўла олади, деб ўйлайман.

"Sambhav — 2013" халқаро фестивали Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

ОСИЁ КУБОГИ — 2015

# Футболчиларимиз Австралияга боришади

*Кеча футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Гонконг миллий терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 0:2 ҳисобида зафар қучди.*

Ўйиндан бир кун илгари бўлиб ўтган матбуот анжуманида терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов мазкур баҳс ҳар икки жамоа учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ва шу туфайли матч шиддатли курашлар билан кечишини таъкидлаган эди. Аммо дастлабки бўлимда жамоалар очиқ ўйин кўрсатишдан кўра, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишга кўпроқ урингanлари кўзга ташланди. Стадионга ташриф буюрган ҳамда ўйинни телеэкран қаршисида томоша қилган мухлислар эса кескинлик ва ҳужумкорликка иккинчи бўлимдагина гувоҳ бўлишди. Футболчиларимизнинг стратегик ҳамда тактик жиҳатдан рақибга нисбатан фаол ҳаракат қилганлари учрашувнинг 84-дақиқасига келиб ўз самарасини берди: Воҳид Шодиевнинг вазиятдан унумли фойдалана олгани миллий терма жамоамизга ҳисобни очиш ва ўйин тизгинини ўз қўлига олиш имконини яратди. Натижада майдонда қарши ҳужум тактикасига асосланиб ҳаракат қилишга мажбур бўлган гонконгликлар дарвозасига 89-дақиқада Одил Аҳмедов иккинчи тўпни киритиб, ғалабани янада мустаҳкамлади.

Ушбу муваффақият Ўзбекистон миллий терма жамоасига 2015 йили Австралияда бўлиб ўтадиган Осиё кубоги турнирининг финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини берди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**
**тайёрлади.**


● Реклама ва эълонлар ●

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2013 йил 28 ноябрь ва 5, 12 декабрь кунлари бўлиб ўтадиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади!**

Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 2 ноябрдаги 10-1207/18757-сонли иш бўйича қарорига асосан банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR» хусусий корхонаси ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 8 январдаги 10-12191/15292-сонли иш бўйича қарорига асосан банкрот деб топилган, тугатилаётган «SANAR-AVTO RETAIL» масъулияти чекланган жамиятлари балансидаги қуйидаги мол-мулклар ҳамда активлар қўйилмоқда:

**Мол-мулклар рўйхати**

| Т/р | Объект номи | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|
| 1. | Бетон қоришмаси учун идиш (бадья), ишлатилган, 3 дона | 1 862 718 |
| 2. | Бетонқорғич, 1,5 $м^3$, 1 дона | 2 485 520 |
| 3. | Металл дарвоза, 2х3 м., 1 дона | 360 000 |
| 4. | Вагон-уй, яхши ҳолатда, 1 дона | 1 756 071 |
| 5. | Швеллер № 35, 1,5 м., 6 дона | 540 000 |
| 6. | Ойна, 6 мм., 3х2 м., 5 дона | 918 000 |
| 7. | Контейнер, 20 тонна, 1 дона | 1 345 000 |
| 8. | 2 та 5х5см. металл бурчаклардан ясалган устунлар (девор), 2,5 м., 19 дона | 564 063 |
| 9. | Профилланган металл листлар (девор), 0,5 мм, 5х1 м., 35 дона | 2 294 250 |
| 10. | Канализация ўраси, d-1 м., 2 дона | 237 216 |
| 11. | Канализация ўралари учун ёпма плита, d-1,2 м., 2 дона | 278 054 |
| 12. | Темир-бетон плита, 3х0,8 м., 1 дона | 98 200 |
| 13. | Темир-бетон плита, 6х1,15 м., 1 дона | 212 200 |
| 14. | Гильотина (ишламайди), двигателсиз, 1 дона | 2 116 725 |
| 15. | «Кисловодск» модули конструкцияси (30% қисми жамланмаган, 30х30 м., 1 дона | 63 000 000 |
| 16. | Бекатдаги эълон пештахтаси, 5 ст., h=7 м., 1 дона | 3 040 000 |
| 17. | Кўча ёритқичлари, 12 дона | 919 980 |
| 18. | Эшик олди эълон конструкцияси, 2х1,5 м., 1 дона | 360 000 |
| 19. | Аравача, 1 дона | 585 701 |
| 20. | Ёғоч поддонлар, 1х1 м., 8 дона | 75 200 |

**Активлар рўйхати.**

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ижро варақасига асосан, «SANAR-AVTO RETAIL» МЧЖнинг фойдасига 3 033 079 172 сўм миқдоридаги маблағни талаб қилиб олиш ҳуқуқи.

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ижро варақасига асосан, «SANAR-AVTO RETAIL» МЧЖнинг фойдасига 10 000 000 сўм миқдоридаги маблағни талаб қилиб олиш ҳуқуқи.

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ижро варақасига асосан, «SANAR» ХКнинг фойдасига 210 549 426 сўм миқдоридаги маблағни талаб қилиб олиш ҳуқуқи.

**4.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ижро варақасига асосан, «SANAR» ХКнинг фойдасига 27 791 000 сўм миқдоридаги маблағни талаб қилиб олиш ҳуқуқи.

**5.** «SANAR» ХК ҳамда Хитойнинг «Urumqi Sanlima International Trade Co Ltd» компанияси ўртасида имзоланган автомобиль ғилдиракларини балансировка қилиш учун қўрғошин грузиклар ишлаб чиқариш ускунаси бўйича тўланган 20 000 АҚШ доллари миқдоридаги 2011 йил 29 апрелда тузилган 1-SR-сонли битим шартномаси ҳуқуқи.

**Оммавий оферта шартлари**

*Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:*

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган объектлар бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу талаб қилиб олиш ҳуқуқлари билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатилган манзил ва алоқа воситалари бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.**
**Телефонлар: 144-23-41, 351-28-14.**
**Тел./факс: (8-371) 233-23-40.**
**Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

***Гувоҳнома № 005357.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ

*бўш иш ўринларини тўлдириш мақсадида танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар қабул қилишини эълон қилади.*

**1. Қуйидаги йўналишдаги мутахассислар:**

- халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари бўйича) — 5231100
- маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича) — 5А230401
- инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича) — 5А230603
- хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (тармоқлар ва минтақалар бўйича) — 5А231001
- жаҳон иқтисодиёти (минтақалар ва фаолият турлари бўйича) — 5А231101
- ташқи иқтисодий фаолият (тармоқлар ва фаолият турлари бўйича) — 5А231102
- халқаро савдо иши — 5А340308
- халқаро ҳуқуқ (соҳалар бўйича) — 5А240105
- халқаро савдо ҳуқуқи — 5А380128
- транспорт логистикаси ва ташувларни ташкиллаштириш (транспорт турлари бўйича) — 5А620101

(Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети битирувчиларига афзаллик берилади).

**2.** Котибият мудири лавозимига — иқтисодий билим даражасига эга бўлган мутахассислар.

Номзодларга қўйилган мажбурий талаблар: олий маълумот (имтиёзли диплом эгаларига афзаллик берилади), инглиз тилини мукаммал билувчи ва компьютерда ишлаш тажрибасига эга, 23-40 ёшдаги мутахассислар.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 238-50-59, 238-50-62.

1819А/1022

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

O'ZBEKISTON havo yo'llari

ТОШКЕНТ – **ВОЛГОГРАД** – ТОШКЕНТ

*ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари*

**УРГАНЧ** – ВОЛГОГРАД – **УРГАНЧ**

*ҳар ҳафтанинг шанба кунлари*




Sertifikat № СЭ1-О

+99871 140-02-00
www.uzairways.com

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!*

1916R/966



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5